

## Маҳалла билан ҳамкорликда

“Гидрелиорация” факултетига бириктирилган “Лашкарбеги” МФЙ билан ҳамкорликда тасдиқланган режа асосида 2021 йил 16 июн куни маҳалла ёшлари ҳамда факултет талабалари ўртасида футбол бўйича мусобақа бўлиб ўтди. Ушбу мусобақага факултетнинг “Гидрология ва гидрогеология” кафедраси масъул бўлиб, кафедра мудир Д.Назаралиев ҳамда кафедра профессор - ўқитувчилари; И.Рўзиев, С.Нуржанов, С.Мансуров, Ж.Ҳамрақулов, Қ.Ешқуватов, Г.Жумабаева ва Н.Жўраева ҳамда футбол ўйнашга иштиёқи бор фаол талабалар ҳамда ушбу кафедра профессор - ўқитувчилари ҳамда маҳалла ёшларидан иборат жами 5 та футбол жамоаси мусобақада қатнашди. Мурсасиз бўлиб ўтган ушбу спорт тадбирида факултетимиз жамоаси 2-ўринга лойиқ деб топилди ҳамда диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.



Табдирни тақдирлаш маросимини “Лашкарбеги” Маҳалла фуқаролар йиғини раиси Н.Каримова, “Гидрология ва гидрогеология” кафедраси мудир доцент Д.Назаралиев, Лашкарбеги маҳалла, Оила, хотин қизлар ва ижтимоий-маънавий масалалари бўйича раис ўринбосари З.Расулий, “Гидромелиорация” факултети Ёшлар билан ишлаш бўйича декан муовини З.Абдурашидовлар иштирокида тақдирландилар.



Бу каби тадбирлар маҳалла ёшларини бўш вақтларини унумли ва самарали ўтказиш билан бирга институт профессор-ўқитувчилари ҳамда талабалари билан дўстона алоқаларини ўрнатишга замин яратади. Олий таълим муассасаларини маҳаллабай тизимида ишлаш энг тўғри ва самарали усул эканлигини яна бир бор исботлади. Муҳтарам Юртбошимиз олиб бораётган сиёсатлари биз ёшларга келажакда ўз самараси беришларига ишонамиз.



**ГМ факултети Ёшлар билан ишлаш бўйича декан муовини З. Абдурашидов ахбороти**  
**ТИҚХММИ матбуот хизмати**